

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**“ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ” ФАНИДАН РЕЙТИНГ ТИЗИМИ
АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент – 2009

«МАЬҚУЛЛАНГАН»
«Халқаро туризм» факультети
Илмий Кенгашида маъқулланган

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»
«Туризм» кафедрасининг
2009 йил 8 сентябрдаги
мажлисида мухокама
қилинган ва тавсия этилган
(Кафедра мажлисининг 2-сонли баённомаси)

Тузувчи:

© Қутлимуротов Файзулло. “Туризм инфратузилмаси” фанидан
рейтинг тизими асосида талабалар билимини баҳолаш бўйича
услубий кўрсатма – Т.: ТДИУ, 2009, 8 бет.

Асосий қоидалар

“Туризм инфратузилмаси” фани бўйича тайёрланган мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 7 августдаги 276-сонли буйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”, 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Намунавий низом”, 2009 йил __ августдаги __ -сонли буйруғи билан тасдиқланган “Туризм инфратузилмаси” фани бўйича Намунавий дастур ҳамда ТДИУ “Халқаро туризм” факултети Илмий Кенгашининг 2009 йил 29 августдаги 1-баённомаси билан тасдиқланган “Туризм инфратузилмаси” фани бўйича Ишчи ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур услубий кўрсатмадан бакалавриат босқичи “Туризм” З курс талабаларининг “Туризм инфратузилмаси” фанидан билимини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади. У талабаларга мазкур фанни ўзлаштиришда зарурӣ балларни тўплаш ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Йўналиш ишчи ўқув режасида фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси 138 соат, шу жумладан маъруза машғулотлари 42 соат, амалий машғулотлар 42 соат, мустақил иш 54 соат ҳажмида режалаштирилган.

I. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

“Туризм инфратузилмаси” фани бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қўйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

1) жорий назорат (ЖН) – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат мазкур фан хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда маъруза ва амалий машғулотларда қўйидагича амалга оширилади:

- мавзулар бўйича олинган билимларни оғзаки сўраш;
- конспектларни текшириш;
- талаба фаоллигини баҳолаш;
- тестлар олиш;
- ўй вазифаларининг бажарилганлигини текшириш;
- кейс-стади ечиш ва бошқа шу кабилар.

2) оралиқ назорат (ОН) – университет ўқув жараёни графигига биноан ўтказилувчи, мазкур фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган назорат шакли ҳисобланади. “Туризм инфратузилмаси” фани бўйича оралиқ назоратлар 2009-2010 ўқув йилининг 1-семестридаги 9 ва 17 ҳафталарда ўтказилади. Ушбу фан бўйича ОН 2 марта ўтказилиши режалаштирилган:

1-ОН ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади.

2-ОН семестр бошида берилган ўқув лойиҳаси тайёрлаш ва такдимот қилишдан иборат.

Оралиқ назорат саволлари ҳар бир янги ўқув йили бошида кафедра профессор-ұқытувчилари томонидан тузилиб, кафедра мажлисінде мұхокама қилинади ва тасдиқланади. Тасдиқланған оралиқ назорат саволлари олдиндандан талабаларга тарқатылади. Жумладан, «Туризм инфратузилмаси» фанидан оралиқ назорат саволлари “Туризм” кафедрасининг 2009 йил 28 августдаги 1-мажлисінде мұхокама қилинген ва тасдиқланған.

3) якуний назорат (ЯН) – семестр якунида муайян фан бүйича назарий ва амалий күникмаларни талабалар томонидан үзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Мазкур фан бүйича якуний назорат семестр охиридаги икки ҳаfta давомида Ўқув –услубий бошқарма томонидан тузилған график асосида фанга ажратылған соаттар ва аудиторияда ёзма иш шаклида үтказылади.

II. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

“Туризм инфратузилмаси” фани бүйича талабаларнинг билим савияси, күникма ва малакалари назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида балларда ифодаланади.

Талаба мазкур фан бүйича йиғиши мүмкін бўлган максимал балл – 100 балл бўлиб, у қуйидагича тақсимот қилинади:

- жорий назорат – 45 балл;
- оралиқ назорат – 40 балл;
- якуний назорат – 15 балл.

Фан бүйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратылған балнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади. Ҳар бир назорат туридаги саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор талаба ҳисобланади.

Жорий назоратдаги баллар тақсимоти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

№	Мезонларнинг номланиши	Ҳар бир топшириқ учун	Максимал йиғиш мүмкін бўлган балл
1	Талаба фаоллиги (мавзулар бўйича оғзаки жавоб бериш, мавзулар бўйича тақдимот тайёрлаш)	ҳар бир жавоб 0,5 балл ҳар бир тақдимот учун 2 балл	10 балл 4 балл
2	Мавзу бўйича тўлиқ конспект ёзиш	Семестр давомида конспектни ёзиб боргани учун 3 балл	3 балл
3	Тестларни ечиш	ҳар бир тўғри ечилиган тест учун 0,2 балл	8 балл
4	Уй вазифаларини бажариш (ўқув топшириклар, назорат саволлари)	ҳар бир тўғри бажарилған уй вазифа учун 1 балл	10 балл
5	Туристик фаолиятни олиб бориш жараёнидаги муаммоли масалаларни ечиш	ҳар бир тўғри ечилиган масала учун 1 балл	10 балл

Жорий назоратда талабалар ўзлаштириш күрсаткичлари қуидагича тақсимланади:

- а) **39 – 45 баллгача** жорий ўзлаштириш “аъло” баҳоланади
- б) **32 – 38 баллгача** жорий ўзлаштириш “яхши” баҳоланади
- в) **25 – 31 баллгача** жорий ўзлаштириш “қоникарли” баҳоланади
- г) **0 – 25 балл** бўлганда талаба мазкур назорат тури бўйича етарли балл йигмаган деб холоса қилиниб, ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Оралиқ назоратда баллар тақсимоти (ўзлаштириш күрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

- 1- ОН ёзма иш шаклида 3 та топшириқдан иборат бўлади.**
- 2- ОН семестр бошида берилган ўқув лойиҳасини тайёрлаш ва тақдимот қилишдан иборат.**

Оралиқ назорат турлари	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш күрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
Биринчи оралиқ назорат (1-ОН)	2009 йил 26-31 октябрь	11 – 13 балл (56-70 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (2 балл); - кейсни ечиш (6 балдан 7 балгача); - 9-11 та тестни тўғри ечиш (3 балдан 4 балгача)
		14 – 16 балл (71-85 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (3 балл); - кейсни ечиш (7 балдан 9 балгача); - 12-13 та тестни тўғри ечиш (4 балл)
		17 – 20 балл (86-100 фоиз)	- назарий саволга жавоб бериш (4 балл); - кейсни ечиш (9 балдан 10 балгача); - 14-15 та тестларни тўғри ечиш (5 балдан 6 баллгача)
Иккинчи оралиқ назорат (2-ОН)	21 – 26 декабр 2009 йил	11 – 13 балл	Ўқув лойиҳаси учун зарур маълумотлар охиригача йифилган, қайта ишланган, тизимли кўринишга келтирилган, гуруҳдаги барча талабалар фаол иштироки сезилиб турибди. Тақдимот слайдлари охирига етмаган, тақдимот мезонларига тўлиқ жавоб бермайди.
		14 – 16 балл	Ўқув лойиҳаси учун зарур маълумотлар охиригача йифилган, қайта ишланган, тизимли кўринишга келтирилган, гуруҳдаги барча талабалар фаол иштироки сезилиб турибди. Тақдимот слайдлари охирига етган, аммо тақдимот қилишда хатоларга йўл қўйилди.
		17 – 20 балл	Ўқув лойиҳаси учун зарур маълумотлар охиригача йифилган, қайта ишланган, тизимли кўринишга келтирилган, гуруҳдаги барча талабалар фаол иштироки сезилиб турибди. Тақдимот слайдлари охирига етган, тақдимот аъло даражада бўлиб ўтди. Талабалар корхона маркетинг фаолияти ҳисботи бўйича тўлиқ назарий билимларга эга, амалий қўникма ҳамда малакалар ортирган

Ҳар бир ОН бўйича **0 – 11 балл** тўплаган талаба мазкур назорат тури бўйича етарли балл йиғмаган деб хуоса қилиниб, умумий 22 балдан кам бўлганда ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.

Якуний назоратда баллар тақсимоти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича):

ЖН ва ОНга ажратилган умумий баллдан саралаш балини тўплаган талабага якуний назоратда иштирок этиш ҳуқуки берилади. Якуний назоратдаги вариантлар ҳар бир талабага такрорланмайдиган, алоҳида тузилиб, ҳар бири 5 та топшириқдан иборат бўлади.

Якуний назоратдаги ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ҳар бир топшириқка максимум 3 балдан белгиланади.

Якуний назорат	Ўтказиш муддати	Ўзлаштириш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1-6 феврал 2009 йил	14 – 15 балл	Талаба 5 та топшириқни бажариши керак (5 та топшириқни иккитаси назарий савол, битта масала, битта ўқув топшириқ ва тест).	
	12 – 13 балл	Талаба 4 та топшириқни тўлиқ бажарган 5- топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.	
	9 – 11 балл	Талаба 3 топшириқни тўлиқ 4- топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.	
	0 – 8 балл	Талаба 3 тадан кам топшириқни бажарган бўлиб, ушбу фан бўйича академик қарздор ҳисобланади.	

Ёзма ишларни профессор-ўқитувчилар икки кун давомида текшириб, баҳоларни эълон қилиши ва тегишли хужжатларда қайд этиши лозим.

“Туризм инфратузилмаси” фани бўйича мустақил ишлар жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида қуйидаги топшириқларни бажариши орқали назорат қилинади ва баҳоланади (талаба топшириқлардан бирини бажараши мумкин):

- Президент И. Каримов асарларини мустақил ўрганиш, конспектлаштириш – 10 балл;
- “Ўзбектуризм” МК, туристик фирмалар фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий хужжатларни конспектлаштириш – 10 балл;
- фаннинг ихтиёрий мавзуси бўйича энг сўнгги интернет маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва тақдимотини амалга ошириш – 10 балл;

- фан бўйича кроссворд (сканворд) тузиш – 10 балл.

Талаба ЖН ва ОНлардан бирор тури бўйича ўз вақтида узрли сабабларга кўра балл тўплай олмаса, қайта ўзлаштириш учун кейинги шу назорат туригача бўлган муддат берилади.

Академик қарздор талабаларга қайта ўзлаштириши учун семестр тугаганидан кейин икки ҳафта мухлат берилади. Кафедранинг тегишли профессор-ўқитувчиларига қарздор талабалар билан ишлаш вазифаси юклатилиб, у маҳсус жадвал асосида амалга оширилади.

